O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистонимиз дунё тургунча турсин!

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÕZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 1 сентябр, №36(3574) •

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Ҳаммамиз учун қувончли ва ҳаяжонли бўлган ушбу айёмда энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик шодиёнаси билан барча юртдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Бундан тўққиз йил муқаддам халқимизнинг букилмас иродасига суяниб, асрлар бўйи давом этган қуллик ва қарамлик занжиридан озод бўлиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олдик.

Ўз қадр-қимматимиз, миллий давлатчилигимиз, маданиятимизни, муқаддас қадриятларимиз, тилимиз ва динимизни қайта тиклаб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор қозонишга эришдик.

Бугун янги демократик давлат, адолатли жамият қуриш, бекиёс салоҳиятимизни ишга солиш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва маънавиятимизни юксалтиришда, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни обод қилиш, шу муқаддас заминда яшаётган одамларга фаровон ҳаёт шароити яратиб бериш йўлида халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик фаолияти яққол намоён бўлмоқда.

Бугун амалга оширган улуғвор ишларимизни сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, бу ишлар Ватанимизнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олиши, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши, буюк мақсадларимизга эришиш борасида қўйилган биринчи қадамлар эканини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Кўзлаган юксак марраларимизга етиш учун белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилишимиз, олдимизда турган кўп-кўп мураккаб муаммоларни ечишимиз даркор.

Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун биз аввало ўзимизга қандай ғоя, қандай маслакни байроқ қилиб олишимиз лозимлигини, бу борада бизга нималар тўсиқ бўлиб турганини ва улардан халос бўлиш йўлларини яққол тасаввур қилишимиз зарур.

Булар қаторидаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни асраб-авайлаб, янада бойитишимиз, улуғ аждодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор.

"Авесто" каби қадимий ёдгорликларни эслаганда, Бухоро ва Самарқанд, Шаҳрисабз ва Хивадаги, Насаф ва Термиздаги тарихий обидаларни кўрганда, гўзал Фарғона водийсини кезганда, муаззам пойтахтимиз Тошкентнинг бугунги жамолини кўрганда қалбимизда биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз, деган миллий ғурур, миллий ифтихор туйғулари жўш уради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ишонч билан айта оламиз: бизким — Ўзбекистон халқи ана шундай улуғ зотларнинг авлодимиз, ана шундай бекиёс салоҳият эгаларимиз, олдимизга ана шундай юксак мақсадлар қўйишга ҳақлимиз ва ўлмас меросимиз, умуминсоний қадриятларга суяниб буюк марраларга эришмоққа қодирмиз.

Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ният билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилишга ҳақлимиз.

Бугун ёшларимиз қалбида, мен мана шундай буюк эл, бетакрор юрт фарзандиман, деган ҳиссиётни қарор топтириш — биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, оёқ-қўлимизни, онгу тафаккуримизни боғлаб турган эски тушунча, эски асоратлардан тезроқ халос бўлишимиз, ҳар бир инсон аввало ўз кучига ишониб, янгиликка интилиб яшаши, тадбиркорлик, ташаббус, изланиш, ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш — ҳар биримиз учун энг долзарб, керак бўлса, ҳал қилувчи вазифа эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун олдимизда турган ўта муҳим, улкан вазифалардан яна бири — бизнинг ўрнимизга келаётган, ўз фикри, ўз дунёқараши, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбиясидир.

Мен ана шу буюк мақсад учун ҳеч нарсани аямаслик, барча имкониятларни сафарбар қилиш, фарзандларимиз олдидаги, келажак олдидаги ота-оналик бурчимизни адо этиш — умуммиллий вазифамизга айланишини истар эдим.

Бугунги кунда ён-атрофимиздаги аҳволни теран англаган ҳолда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Лоқайдлик, бепарволик, беғамлик, ғофиллик иллатларидан халос бўлишимиз, доимо ҳушёр, огоҳ бўлишимиз зарур.

Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш — ҳаётимизнинг маъно-мазмунига айланиши керак.

Қадрли ватандошларим!

Мен бугун шу юксак минбардан туриб, гўзал ва бетакрор мамлакатимизнинг ҳақиқий эгалари бўладиган миллион-миллион ёшларимизга, паҳлавон фарзандларимизга айтмоқчиман:

— Эй, улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп.

Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиқлолини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.

Мен ушбу муборак айёмда сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўксини қалқон қилиб ҳимоя этаётган барча аскарларимизни, барча ҳарбийларимизни бугунги байрам билан ўз номимдан, бутун халқимиз номидан бағримга босиб, алоҳида табриклайман.

Ёвуз террорчи тўдаларга қарши курашларда жон фидо этган жасур ўғлонларимизнинг сўнмас хотираси олдида, ана шундай асл, мард фарзандларни вояга етказган ота-оналари, оила аъзолари, ёру биродарлари олдида бош эгаман.

Азиз дўстлар!

Халқимиз ўзининг буюк тарихида кўп-кўп машаққатли синовлардан, ҳаёт бўронларидан кучли иродаси, пок иймон-эътиқоди туфайли омон чиққан.

Бугун кўпмиллатли халқимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллиқнинг қадр-қимматини айниқса чуқур англамоқда.

Бунёдкорлик меҳнати билан она заминимизга чирой бағишлаб, ёруғ ният ва тилаклар билан янги асрга қадам қўймоқда.

Ишончим комилки, ана шундай туйғулар, эзгу интилишлар билан яшаётган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Бундай халқнинг олижаноб орзу-умидлари ижобат бўлгай, Яратганимизнинг ўзи бу йўлда мададкор бўлгай, иншоолloҳ.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Ушбу қутлуғ оқшомда донишманд отахонларимизни, мунис онахонларимизни, меҳрибон аёлларимизни, гўзал қизларимизни, азамат йигитларимизни, жондан азиз фарзандларимизни — бутун Ўзбекистон элини бугунги буюк байрам — Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклайман.

Барчамизнинг бошимиз омон, юртимиз обод бўлсин!

Ўзбекистонимиз дунё тургунча турсин!

Янги аср биз учун тараққиёт ва саодат асри бўлсин!

Мустақиллик майдонидаги байрам шодиёналаридан лавҳалар.

ЭНГ УЛУҒ ШОДИЁНА

Бугун юртимизда улуғ байрам, улкан шодиёна. Халқимиз баланд руҳ, чексиз шоду хуррамлик билан Истиқлолимизнинг 9 йиллигини нишонламоқда.

Мана, кўз очиб юмгунча тўққиз йил ўтибди. Тўққиз йил кўҳна тарих олдида ғоятда қисқа фурсат. Аммо шу қисқа фурсатда мамлакатимизда оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Энг асосийси, Ўзбекистон тўла-тўкис Истиқлолга эришди, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлган тенглар ичра тенг давлатга айланди. Мустақилликнинг энг муқаддас, энг улуғ неъмати шудир.

Юртимизда бунёд этилаётган иншоотларни Истиқлол айёми арафасида фойдаланишга топшириш қутлуғ анъанага айланган. Мустақиллигимизнинг тўққизинчи йилида ҳам ана шу анъанага содиқ қолдик. Куни кеча мамлакатимизнинг дунёга чиқиши учун улкан аҳамиятга эга бўлган Тошкент—Ўш автомобил йўлининг Қамчиқ ва Резак довонларидан ўтган туннелларнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Пойтахтимизнинг Аҳмад Дониш кўчасида барпо этилган, уч туманни бир-бирига боғлайдиган кўприк орқали машиналар қатнай бошлади. Шунингдек, Талабалар шаҳарчасида яна бир ҳашаматли иншоот — «Ўзкўргазмасавдо» бинаси қад ростлади. Бугун бу ерда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси очилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар учала иншоотнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов иштирок этди ва бунёдкор халқимиз меҳнатига юксак баҳо берди.

Кеча оқшом Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Теварак-атроф ранг-баранг байроқлар, турфа хил товланувчи чироқлар билан безатилган. Саҳна атрофидаги жойларни давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлари, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари вакиллари эгаллашган.

Соат 19.30. Майдонга мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов кириб келади. Юртбошимиз йиғилганларни, улар тимсолида республикамизнинг барча аҳлини энг муҳтабар, энг улуғ шодиёна — Мустақиллик байрами билан қутлайди.

Давлат мадҳияси янграб, байрам тантаналари бошланади. Майдон узра озодлигу ҳурликни, бахту иқболни тараннум этувчи қўшиқлар таралади...

Ўтаётган йилимиз Президентимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Бу

(Давоми 2-бетда.)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон ўз Мустақиллигининг тўққиз йиллигини нишонлаётган шу кунларда Америка халқи номидан 1 сентябр — Миллий байрамингиз муносабати билан Сизнинг халқингизга ўзимнинг самимий қутловларимни ва энг эзгу истакларимни йўллайман.

Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик устувор бўлишини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Мен мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тобора чуқурлашиб ва мустаҳкамланиб боришини сабрсизлик билан кутаман.

Самимий эҳтиром ила,

Уильям Жефферсон КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари ишонч, бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилиш ва чинакам тенгликдан иборат мустаҳкам асосда тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлигидан мамнунман.

Ишончим комилки, ўртамиздаги мавжуд ҳамжиҳатлик ва аниқ-равшан масалалар бўйича эришилган аҳдлашувлар Россия — Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантиришга янги омил бағишлайди, халқаро терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қатъиян қаршилик кўрсатишда биргаликда куч-ғайратларни фаоллаштиришга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлашга кўмаклашади.

Қардош Ўзбекистон халқига, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, шахсан Сизга омонлик ва муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» унвони берилиб, олий нишон — «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин:

АБЛАҚУЛОВ Хазрат — Ғиждувон тумани С. Айний номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Бухоро вилояти

ДЖУМАНИЯЗОВ Бекдурди — Хива тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Хоразм вилояти

ЖУРАЕВ Юрсинбой — Олтиариқ тумани Б. Отақулов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН АДАБИЁТ ВА САНЪАТ УСТАЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бетакрор истеъдоди ва қолдирган ўлмас мероси билан ўзбек миллий маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ, миллат тараққиётига бағишлаган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, эл-юрт олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

Ғафур Ғулом — академик, Ўзбекистон халқ шоири
Ойбек (Мусо Тошмуҳаммад ўғли) — академик, Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Абдулла Қаҳҳор — Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти
Муҳиддин Қориёқубов — Ўзбекистон халқ артисти
Юнус Ражабий — академик, Ўзбекистон халқ артисти
Аброр Ҳидоятов — Ўзбекистон халқ артисти
Жўрахон Султонов — Ўзбекистон халқ артисти
Маъмуржон Узоқов — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти
Комилжон Отаниёзов — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти
Ботир Зокиров — Ўзбекистон халқ артисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август.

Хайрулла ЖЎРАЕВ, Маданият ишлари вазири

БАРКАМОЛЛИК

Мустақиллик майдонида ўтган байрам томошалари ўзбек халқи учун энг улуғ ва азиз бўлган байрам — Мустақиллигимиз 9 йиллигининг энг асосий тантанаси бўлди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан тўпланган ҳаваскорлардан тортиб атоқли санъаткорларгача ўз истеъдодларини намойиш қилдилар. Ушбу байрамда Ватанимиз шон-шарафи, Мустақиллигимиз чин дилдан фахр ва ифтихор билан куйланди.

Байрам томошасининг, айниқса, эстрада санъатига бағишланган қисми олдинги йилларга нисбатан яна бир поғонага кўтарилганлиги қувонарли ҳол. Эстрада ижрочиларимизнинг маҳоратлари йил сайин сайқал топмоқда. Ҳар бир асар чуқур ҳис қилинган ҳолда, юракдан ижро этилганининг гувоҳи бўлдик.

Ёш истеъдодларимиз ичида 15 ёшли Оксана Нечитайлонинг санъати ҳаммамизни қувонтирди. Оксананинг қўшиқларидан ҳақиқий ўзбекона руҳни туйиб, қалбингиз равшан тортади. Ўзга миллат вакилларининг ўзбекча ашула айтиши биз учун янгилик бўлмай қолди. Лекин рус қизи Оксана қўшиғида шундай бир самимият борки, унинг ижроси юракларни «жиз» эттирмай қўймайди. Бу ҳолни Президентимиз раҳбарлигида собитқадамлик билан шакллантирилаётган миллий мафкурамизни яратиш йўлидаги нишоналардан бири деб таърифлаш мумкин.

Мустақиллигимиз даврида ҳарбийлар учун кўплаб янги марш ва қўшиқлар яратилди. Улар қўшинларимизнинг маънавий қиёфасини, Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат туйғуларини ифодалайди. Бу марш ва қўшиқларни тинглаб, юртимиз сарҳадлари ишончли қўлларда эканлигига имонимиз комил бўлади.

Мустақиллик йилларида ушбу санъатга эътибор янада кучайиб, янгидан-янги истеъдодлар ўз маҳоратларини кўрсатмоқдалар. Опера юлдузларимиз Муяссар Раззоқова, Исмоил Жалилов, Аваз Ражабов, Раҳматжон Латипов, Дилором Ёқубованинг овозлари қўшилиб, ажойиб опера гулдастасини ташкил этади. Буни амалга оширишда театрнинг бадиий раҳбари, атоқли санъаткор Бернора Қориеванинг хизматлари беқиёсдир.

Мустақиллик байрами арафасидаги энг муҳим ва қувончли воқеалардан бири «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши бўлди. У ўзининг расмий мақоми бўйича энг нуфузли давлат мукофотига тенглаштирилган. Бу ёш истеъдодларга нисбатан оталарча ғамхўрлик бўлиб, Президентимизнинг «Мен ёшларимизни ҳеч кимга бермайман» деб айтган сўзларининг амалдаги исботи, десак муболаға бўлмайди. Шахсан шу ишларга мутасадди бўлиб турган вазир сифатида алоҳида айтишим лозимки, ушбу мукофот кенгашини ҳам асосан ёшлар ташкил қилади ва шу ёшларнинг ўзи номзодларни саралаш, танлаш ишларини ақл-заковат ва алоҳида дид билан бажардилар. Мен Ўзбекистонимизда шундай ёш авлод санъаткорлари борлигидан беҳад қувондим.

Биласизми, «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши ҳеч муболағасиз жаҳоншумул аҳамиятга молик воқеа бўлиб, ҳали бунга тарих ўз баҳосини беради. Лекин биз бугун ортиқча эҳтиросга берилмасдан, бу ишни ҳақиқатан ҳам ихлос ва қатъият билан амалга оширишимиз лозим. Эртадан бошлаб келгусида «Ниҳол» мукофотига тавсия этиладиган ёшлар ҳақида ўйлашимиз керак, уларнинг ижодий ўсиш жараёнини, оилавий аҳволи, юриш-туриши, ички дунёси, жамиятдаги, маҳалладаги хатти-ҳаракатларини кузатиб туришимиз лозим. Кузатиш дегани қўлидан етаклаб юриш эмас, албатта. Биз фарзандларимизнинг ихтиёрини эркин қўйиб, уларнинг юрагини ҳис этишимиз лозим. Ота-боболаримиздан мерос қолган ана шундай самимий муносабатларни халқимиз орасида тобора кенг ёйишимиз керак.

Мустақиллигимизнинг 9 йиллигида Ўзбекистон маданият соҳасида кўлга киритган ютуқларнинг барчасини санаб ўтишга ҳожат бўлмаса керак. Энг муҳими, XXI аср остонасида Ўзбекистон нафақат иқтисодий жиҳатдан қудратли, балки маънавий баркамол давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгалламоқда. Ўзбекистон билан алоқа қилаётган ҳар бир мамлакат унинг маданий салоҳияти билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ.

АЗАМАТ ЮРТ ОДИМЛАРИ

30—31 август кунлари Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси бўлиб ўтди

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан сессия иштирокчилари террорчиларга қарши операция жараёнида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячилари хотирасини сукут сақлаш билан ёдга олди.

Президентимиз Ислом Каримов сессияда сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг айрим чегара ҳудудларида халқаро босқинчи тўдаларнинг террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ вазиятни чуқур ва батафсил таҳлил қилиб берди. Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, Ўзбекистон халқ шоири, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э. Воҳидов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари И. Сулаймон ва бошқалар терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмнинг барча кўринишларини кескин қораладилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатларнинг парламентларига, жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилигига мурожаатномасини қабул қилдилар. Шунингдек, Парламент «Жалолиддин Мангуберди» орденини таъсис этди. Янги орден бундан буён Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий мукофоти бўлиб қолади.

Сессияда «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ва бошқа ҳужжатлар депутатлар муҳокамасига тақдим этилди.

Парламент «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қабул қилди, «Почта алоқаси тўғрисида»ги, «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлар лойиҳасини тасдиқлади. Депутатлар «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб, уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Шунингдек, Парламент бошқа бир қанча халқаро шартномалар, битимларни ратификация қилди ҳамда ташкилий масалаларни кўриб чиқиб, қарорлар қабул қилди.

Ҳабиб САЪДУЛЛА, Олий Мажлис депутати

ИШОНЧИМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг III сессияси мустақилликнинг байрами арафасида ўтганида, менингча, катта рамзий маъно бор. Анжуманда кўрилган масалалар, қабул қилинган қонунлар ва ҳужжатлар бевосита истиқлол руҳи билан, унинг халқимиз ҳаётида яратаётган ўзгаришлари билан, мустақиллигимизга раҳна солишга интилаётган халқаро терроризмга қарши кураш билан боғлиқ.

Мен Сариосиё ва Узун туманларидаги машъум воқеалар муносабати билан сайловчилар, аҳолининг турли табақаларига мансуб кишилар — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар даврасида бўлиб, суҳбатлашганимда истиқлол тақдири, Ватан тақдирига ҳеч ким бефарқ эмаслигини ҳис қилган эдим. Бугун мустақиллик ҳар бир одамга нон қадар қадрли бўлиб қолганини, мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги ҳар бир фуқарога азизлигини кўриб, бундай имонли халқни на таҳдид билан, на қурол билан қўрқитиб бўлмаслигига чин дилдан ишондим.

ЭНГ УЛУҒ ШОДИЁНА

(Боши 1-бетда.)

бежиз эмас. Зеро, бизнинг пировард мақсадимиз ҳам буюк давлат барпо этишдир. Буюк давлатни эса нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом, етук, шу юрт, шу халқ бахт-саодати йўлида жонини фидо қилишга ҳамиша тайёр инсонларгина қура олади.

Байрам дастурининг каттагина қисми ана шу мавзуга бағишланди. Майдон узра қувнаб қўшиқ куйлаб, рақс тушаётган болаларни кўрганингизда юртимиз келажаги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Баркамол авлод Истиқлолимизни ҳимоя қилишга, мустаҳкамлашга қодирдир.

Бу йил буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланади. Саҳнада улуғ зот тимсоли гавдаланганда қалбингиз фахр-ифтихор туйғуларига лиммолим тўлади. Мустақиллик туфайли тарихимизга муносабат ўзгарди, қадриятларимиз, урф-одатларимиз тикланди. Аждодларимиз юбилейларини ўтказишга, уларнинг бой меросини ўрганишга тўла имконият яратилди.

Сир эмас, Истиқлолга эришганимиздан сўнг бизнинг озодлигимизни кўролмаётган кучлар ҳам пайдо бўлди. Ёвуз ниятли террорчи тўдалар ғаразли хуружларини тўхтатмаётирлар. Мамлакатимизнинг айрим чегара ҳудудларига суқилиб кириб, осойишталигимизга раҳна солишга уринмоқдалар. Аммо улар ҳеч қачон ёвуз ниятларига ета олмайди. Саҳна узра шахдам қадамлар билан кириб келган аскарларимизни, уларнинг ҳайратга солувчи ҳаракатларини кўрганингизда бунга яна бир бор иқрор бўласиз. Байрам дастурида ҳарбий қисмларнинг бадиий жамоалари чиқишларига ҳам кенг ўрин ажратилган.

Куни кеча Президентимиз Фармонига биноан ҳарбий хизматчилар учун «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилди. Бу олий мукофот Ватан сарҳадларини, она юрт тупроғини, мамлакатимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишда, уни кўз қорачиғидек асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик кўрсатган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчиларга берилади. Айни тадбир Президентимиз томонидан осойишталигимиз посбонларига кўрсатилган юксак ғамхўрликнинг яна бир намунасидир.

Байрам томошалари вилоятлардан келган санъаткорлар, фолклор ансамбллари ва мамлакатимиз опера, балет ва эстрада юлдузларининг чиқишлари билан давом этди. Саҳнада ҳурлик, саодат, бахту иқбол ҳақидаги қўшиқлар янграб, жозибали рақслар ижро этилди. Истиқлол айёми мушакбозлик билан якунланди.

Бугун пойтахтимизнинг барча майдонларида, вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларимизда байрам тантаналари давом этмоқда.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ

Иззат СУЛТОН, академик

ЯНГИ МАЪНАВИЙ САВИЯ ВА ТАРИХ

Ҳамма томонидан тан олинган ҳақиқат мавжуд: ҳар бир миллатнинг маданий ва маънавий савияси унинг ўз тарихига муносабатида намоён бўлади.

Маданиятимиз ва адабиётимиз бир гуруҳ вакилларининг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланиши, мен учун, республикамизнинг мустақиллик даврида эришган, аввал сира кўрилмаган баланд маданий ва маънавий савиясининг яна бир карра намоён бўлишидир.

Мен XX асрда бадиий адабиётимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган бу — янги нишондоларимизнинг хизматлари ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман.

XX асрнинг бошида буюк Беҳбудий ва унинг илғор замондошларининг ташаббуси билан бутун миллий ҳаётимизни янгилаш, уни жаҳондаги ривожланган халқлар ҳаёти даражасига кўтариш учун катта ҳаракат бошланди ва у «жадидчилик» номини олди. Илк жадидларнинг муқаддас байроғини Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза каби ўзбек халқининг забардаст ўғлонлари қўлларида маҳкам тутдилар ва янада баланд кўтардилар.

Октябр тўнтаришидан кейинги даврда адабиётимизга кириб келган янги адабий авлод катта авлоднинг муносиб меросхўрлари бўлиб майдонга чиқдилар. Бу авлоднинг ғайрати ва истеъдоди туфайли адабиётимиз янги босқичга кўтарилди.

Янги адабиётимизга ўз ҳиссасини қўшган авлоднинг тарихий хизмати шундаки, у маданиятимиз ва адабиётимиз ривожини жаҳон маданий-адабий тараққиёти жараёнига улаб юборди. Натижада, **биринчидан,** янги адабий авлод она тилимизни таназзулдан сақлаб қолди(социалистик тузум миллатимиз ва тилимизни аста-секин йўқ қилишни мўлжаллаганди) ва уни янада ривожлантирди. Бадиий адабиёт тили билан халқ тили орасида асрлардан бери мавжуд бўлиб келган узуқликка барҳам берилди. Шу тариқа, асримизда ўзбек адабий тили ва адабиёт тили бойиди, ривожланди ва ҳар қандай ҳаётий ҳодисани ифодалашга қодир, ҳаммага тушунарли тилга айланди.

Иккинчидан, халқ адабиётимизнинг қаҳрамони, халқ ҳаёти тасвири адабиётимизнинг асосий муддаоси бўлиб қолди. Классик адабиётимиз халқимизга, айниқса, унинг меҳнаткаш табақасига чуқур хайриҳоҳлик руҳи билан йўғрилган бўлса-да, кенг оммаининг ҳаёти адабиётда асосий мазмун бўлмаган эди. Янги адабиётимиз бу чекланганликка ҳам барҳам берди. Натижада, оддий деҳқон(улуғ Навоийнинг чуқур эҳтиромига сазовор бўлган деҳқон!), косиб, зиёли, аскар, ишчи, хуллас, меҳнаткаш эркак ва аёл тасвири адабиётимизда асосий ўрин тутди ва бу мустаҳкам анъана бўлиб қолди.

Учинчидан, адабиётимиз жаҳон адабиётида тараққий топган, бироқ биз учун янгилик бўлган бир қанча жанрларни ўзлаштирди ва бу жанрларда баркамол намуналар яратилди. Айниқса, драматургия ва романнинг ривожи — адабиётимиз тарихида қисқа муддатда босиб ўтилган ижодий йўлнинг ажойиб самарасидир.

Тўртинчидан, адабиётимиз жаҳон адабиётида қарор топган етук реализм даражасига кўтарилди ва, менинг фикримча, дунё адабиёти хазинасидан ўрин олишга ҳақли асарлар яратилди.

Адабиётимиз XX асрда эришган ютуқлар айтилганлар билангина чекланмайди, албатта. Аммо ана шу қайд этилган хусусиятларнинг ўзи ҳам адабиётимизда катта ижодий меҳнат қилган ойбеклар авлодининг хизматлари тарихий аҳамиятга моликлигини англаш учун етарлидир. Бунга, яна, **классик адабиётимизнинг кенг ўрганилганлигини** ва ундаги гуманизм, ахлоқпарастлик, бадиийлик анъаналарининг XX асрда ҳақиқий равишда қадрлангани ҳамда ривожлантирилганини ҳам қўшсак, бугун «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган улуғ зотларнинг халқимиз ва адабиётимиз олдидаги хизматлари нақадар улкан бўлганини яна бир бор ҳис қиламиз.

Қандай ёрқин юлдузлар: Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор!

Халқимиз фахри бўлган бу порлоқ юлдузлар адабиётимиз осмонида ҳамиша ёғду сочиб туравердилар!

«ЎзАС» АХБОРОТИ

Ўзбекистон давлат санъат музейида металлга бадиий безак бериш санъати намуналарининг кўргазмаси очилди. XIX—XX асрларда маҳаллий усталар томонидан ясалган турли қалпоқлар, дубулғалар, шамширлар, ханжарлар, ойболталар, энли камарлар, эгар ва жабдуқлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

* * *

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Истиқлолимизнинг 9 йиллигига бағишлаб «Энг улуғ, энг азиз» кўргазмаси очилди. Республикамиздаги 50га яқин рассомнинг 400дан ортиқ рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва фото асарлари кўргазмадан ўрин олган. Уларда она Ватанимиз тарихи ва гўзал табиати ўз аксини топган.

АДИБА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва тавсияси билан ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва имон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида «Ниҳол» мукофоти таъсис этилган эди.

«НИҲОЛ» МУКОФОТИНИНГ ИЛК СОВРИНДОРЛАРИ

Бундан мақсад халқимиз бағридан етишиб чиқаётган ёш санъат ғунчаларини ҳар томонлама асраб-авайлаш, уларнинг истеъдод имкониятларининг тўла рўёбга чиқишига кўмаклашиш, ёшлар овози олам бўйлаб таралишига кенг йўл очишдир.

«Ниҳол» мукофоти билан энг муносиб, умидли ёшларни тақдирлаш учун ҳукуматимиз қарори билан нуфузли танлов кенгаши тузилди. Кенгаш таркибига, Юртбошимизнинг таклифи билан, таниқли санъаткорлар қатори, бугунги эстрада юлдузларимиз ҳамда хорижий ва республика мусиқа танловларида истеъдоди эътироф этилган навниҳол санъаткорлар киритилди. Ушбу кенгаш ўзининг бир неча ижодий йиғилишлари давомида «Ниҳол» мукофотига тавсия этилган юздан ортиқ номзоднинг ижодий имкониятларини ҳар томонлама холис кўриб чиқиб, юртимиз Мустақиллигининг тўққиз йиллик байрами арафасида улардан ўн нафарини бу юксак мукофотга лойиқ деб топди. Кенгаш қарорига кўра қуйидагилар «Ниҳол» мукофотининг илк совриндорлари бўлдилар:

Севара Назархон — Тошкент давлат консерваторияси талабаси

Дилфуза Раҳимова — Ўзбекистон Телерадиокомпанияси эстрада ансамбли хонандаси

Тоҳир Содиқов — «Болалар» эстрада гуруҳи хонандаси

Иззатилла Иброҳимов — «Хўжа» эстрада гуруҳи хонандаси

Абдулазиз Карим — «Аср» эстрада гуруҳи хонандаси

Феруза Мирзаиддинова, Комила Хўжаева,

Лайло Галиева — «Сетора» гуруҳи хонандалари

Нилуфар Саитова — «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси хонандаси

Анна Гузаирова — Италиядаги камер хонандалари халқаро танлови Гран-при совриндори

Дилшод Назаров — Париж Консерваторияси толиби

Гулшод Абдиева — «Ўзбекрақс» бирлашмаси «Тановар» ансамбли раққосаси

Барча санъат мухлислари номидан «Ниҳол»нинг илк совриндорларини самимий муборакбод этамиз ва юртимиз равнақи, санъатимиз такомили йўлида уларга катта ижодий зафарлар тилаймиз.

(ЎзА)

«БОҒИ ЭРАМ»ДА АЛЁР

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик байрами мамлакатимизнинг барча гўшаларида катта тантана билан нишонланмоқда. Шеър ва оҳанг инсон қувончининг юксак ифодасидир. Юраклардаги шодлик ва бахтиёрлик туйғулари шеърият воситасида намоён бўлади. Мустақиллик байрами кунлари шоирларимиз халқнинг севинчини, истиқлол саодатини баралла куйладилар. Элу юрт кўнглини хушнуд этдилар. Озод ва обод мамлакат шоирлари алёр айтишдан чарчамадилар.

Мустақиллик байрами шодиёналаридан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Боғи Эрам»да бўлди.

Ранг-баранг гуллар, ям-яшил майсалар, азим чинорлар ва тиниқ шаршаралар ўртасидаги гўзал майдонда очилган анжуманни Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошлаб берди ва анжуман аҳлини байрам билан самимий қутлади. Бугун Мустақиллик байрами нафақат боғу чаманларда, балки мамлакатимиздаги ҳар битта хонадонда нишонланишини таъкидлади.

Мушоара аввалида оқсоқол адибимиз Иброҳим Раҳим муқаддас ва мўътабар байрамимиз ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Ойдин Ҳожиева, Муҳаммад Юсуф, шоирлар Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев, Қутлибека Раҳимбоева, Рустам Мусурмон ва Гулжамол Асқарова ўқиган шеърлар Она Ватан истиқлолига бағишланди.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан мамлакатимизда фан, маданият, адабиёт, санъат, оммавий ахборот ва бошқа ижодий соҳаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган ходимлардан катта бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари билан мукофотланиб, мўътабар унвонлар билан тақдирландилар. Маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларни Ватанга, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда ижодий соҳаларни равнақ топтиришга қўшган муносиб ҳиссалари учун мукофотланганлар сафида қуйидагилар бор:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»

Аҳмедов Шокир — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри бош балетмейстери

Маҳмудов Темур — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамблининг мусиқа раҳбари

Маҳмудов Мирҳалил — Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси доценти, бастакор

Назаров Бахтиёр Муҳаммаджонович — «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи рассоми

Шапиро Владимир Михайлович — Ўзбекистон академик рус драма театри бадиий раҳбари

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»

Авазов Рихсивой — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Абдурашидов Абдулаҳад Абдулҳамидович — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли созандаси

Бакирова Ойбарчин Аббосовна — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Матёқубова Гавҳар — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси Хоразм вилояти бўлимининг бош балетмейстери

Рафиқов Афзал Азимович — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

Раҳимов Мирзохид — «Ўзтелерадио» компанияси диктори

Сапаева Мирзагул Жуманазаровна — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри актёри

Сатторова Майрамой Саидовна — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Тўхтасинов Маъмуржон Салимжонович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Умаров Саидкомил Ҳамраевич — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Шодмонов Сулаймон Нуруллоевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри дирижёри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»

Изентоев Жоллибой Тангирбергенович — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, рассом, Қорақалпоғистон Республикаси

Йўлдошев Муборак Саидқулович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Миржалилов Тоҳир Жамолович (мархум) — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, рассом

Раҳметов Собир Ғофурович — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти доценти, рассом

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»

Акпаров Асқарали Адамшоевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Наманган вилоят бўлими наққоши

Султонов Мўмин Маннопович — Халқ санъати усталари «Устозода» корхонаси ганчкори

Холматов Ниёзали — «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш марказининг миниатюрачи рассоми

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ»

Хабилов Тоҳир Абдумаликович (Тоҳир Малик) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ШОИРИ»

Азимов Усмон (Усмон Азим) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Нарзуллаев Нормурод — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

Йўлдошев Маҳамаджон Усубжонович — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

Тожибоев Маҳмуджон Ғозиевич — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ»

Тоғаев Шомурод — бахши, Деҳқонобод тумани, Қашқадарё вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Абдулазизова Дилбар Собитовна — Республика ёш томошабинлар театри актёри

Абдуллаев Ҳабибулла Убайдуллаевич — Республика ёш томошабинлар театри актёри

Абдуллаева Озотхон — Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Асқаров Акбарали Жакбарович — Наманган вилояти «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамбли созандаси

Ашурова Зухра Жўраевна — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Володина Ольга Викторовна — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Зарипова Илгиза Солиҳовна — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси раққосаси

Зарипова Каримахон Фахриддиновна — Ўзбек давлат цирк бирлашмаси чавандоз артисти

Иброҳимов Илҳом Абдуллаевич — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Игамназарова Мунисхон Турсуналиевна — Республика қўғирчоқ театри актёри

Исломов Саттор Бозорович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси актёри

Исмоилова Шоҳида Ғаппоровна — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Каримова Бозоргул Каримовна — Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси оркестри хонандаси

Комилов Равшанжон Раҳимович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Мамарасулов Абдухолиқ Холматович — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри актёри

Москалёва Лариса Владимировна — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Муҳаммадкаримов Беҳзод Абдулазизович — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Мўминов Собиржон Одилжонович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Номозов Маҳмуд Алматович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» канали мусиқа муҳаррирлари раҳбари, хонанда

Норматов Абдусоли Файзикулович — Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри актёри

Пармонов Илҳомжон Шомаматович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Рашидов Ибрагим Абдумаликович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри созандаси

Раҳимов Бахтиёр Мелибоевич — Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театри актёри

Рўзиматов Эрқинбой Орзиматович — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси хонандаси

Сафаров Орол Абдуманнонович — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти ўқитувчиси, хонанда

Сотволдиева Муяссархон Раҳимовна — «Тановар» ансамбли бош балетмейстери

Тожиев Қилич Мусажонович — Фарғона вилояти «Парвоз» ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Тўхтаева Мадина — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

Тўғонов Оразқилич — Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри актёри

Холиқов Муҳриддин Жалолиддинович — Тошкент полиграфия комбинати «Ниҳол» ансамбли раҳбари, хонанда

Шарипов Руслан Тагирович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Эсанова Курсия Назаровна — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Дуторчилар» ансамбли хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

Жабборов Шуҳрат — «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Жамилова Гулчеҳра Каримовна — «Сиҳат-саломатлик» журнали бўлим муҳаррири

Калонхонов Мурод — «Адолат» газетаси муҳбири

Кистанова Татьяна Ивановна — «Спорт» газетаси бўлим мудири

Комилжонов Маҳмуджон Орифович — «Тошкент оқшоми» газетаси масъул котиби

Обидов Рустамбой Турсунович — «Сирли олам» журнали бош муҳаррири ўринбосари

Сапаров Михли — «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири

Ходжаева Назирахон Болтабаевна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Наманган вилояти мухбири

Шомансурова Раҳима — эркин ижодкор

Ҳусаинов Сулаймон — Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетасининг бўлим муҳаррири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Абдураҳманов Ўразбай — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбектелефильм» студиясининг Қорақалпоғистон филиали бошлиғи

Аҳмедов Сирожиддин Убайдуллаевич — «Гулистон» журнали бўлим муҳаррири

Джуманиязов Розметбай — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири

Жўраев Маҳмуд — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси рассоми

Иброҳимов Абдурасул Абдуназарович — Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи

Калонов Нуриддин Жўраевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими рассоми

Маматов Солижон — Фарғона вилояти Олтиариқ тумани ҳокимлиги маданият ишлари бўлими мудири, хонанда

Носиров Йўлдошхон — Қўқон шаҳар «Аскиячилар клуби» раҳбари

Ражабов Риски Аъзамович — Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи

Розиқов Юсуп Сулаймонович — кинорежиссёр

Сайфуллаев Бахтиёр — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти ўқитувчиси

Султонов Баҳодир Тўхтамуродович — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи директори

Файзуллаев Амир Сайдуллаевич — «Жаҳон адабиёти» журнали бўлим муҳаррири

Файзуллаев Раҳимжон — Алишер Навоий номидаги Республика давлат кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлими мудири

Фозилова Назми — Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти кичик муҳаррири

Хасанов Наби Ғаниевич — «Ўзтелерадио» компанияси радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйининг овоз режиссёри

Холназаров Султон — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти бўлим мудири

Эргашев Исамат Исоқович — «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси раиси ўринбосари, кинорежиссёр

Қўлдошев Нодир — «Ўзбектелефильм» студиясининг кинорежиссёри

«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Набиев Малик — Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми

Носирова Ҳалима — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдураҳмонов Абдуғафур — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

Акбаров Илёс — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, мусиқашунос

Алимахсумов Орифхон — Ўзбекистон халқ артисти, ҳофиз

Аминова Азизахон — Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма театри актёри

Жалилов Сайфи (Сайфи Жалил) — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

Изомов Хайри — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

Маматхонов Яҳёхон — Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театри актёри

Мирвалиев Собир — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

Назиров Ҳаким (Ҳаким Назир) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Раҳмонов Мамажон — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, санъатшунос

Тожибоева Онахон — Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театри актёри

Юсупова Тўти — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Алимов Фарҳод Ғуломович — Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат Консерваторияси доценти

Аллабергенов Отахон — Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри рассоми

Ансатбаев Нажмиддин — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри режиссёри

Аҳмедов Ашраф — ЮНЕСКО қошидаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти директори, тарих фанлари доктори

Аҳмедова Момогул — Қашқадарё вилояти Қарши туман «Момогул» фольклор-этнографик дастаси бадиий раҳбари

Валихўжаев Ботирхон Набирахўжаевич — Самарқанд давлат университети кафедра мудири, академик

Жабборов Султонбой (Султон Жаббор) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Жўраева Гулчеҳра Содиқовна (Гулчеҳра Жўраева) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Мадреимов Пўлат Шамшетович — Қорақалпоғистон Республикаси «Айкулаш» ансамбли бош балетмейстери

Маҳаммадиев Шерзод — Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театри бадиий раҳбари

Маҳмудова Санъат Содировна — «Саодат» журналининг Фарғона вилояти мухбири

Мусажонов Фарҳод — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Пардаев Неъмат — Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри режиссёри

Раҳимов Акбар Мухитович — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, кулол

Раҳимов Жўрахон Ҳожимирзаевич — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Раҳматуллаев Анвар Аброрович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Содиқова Нафиса — «Ўзбекмузей» жамғармаси бўлим мудири

Тоиров Маҳмуд (Маҳмуд Тоир) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимининг масъул котиби, шоир

Турдиев Шерали — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

Файзиева Гулчеҳра Содиқовна — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим муҳаррири

Шарипов Ҳуснидди — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Қосимова Дилбарҳон — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

Ғоипов Юсупбой Мамутович — «Зарафшон» ансамбли мусиқа раҳбари

Ҳакимов Акбар Абдуллаевич — Ўзбекистон Бадиий академияси илмий котиби, санъатшунос

I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Шодиева Санобар Ёқубовна — Республика болалар ижодиёти маркази раҳбари

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Баракаев Раҳматулла — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий котиби, филология фанлари номзоди

Маҳмудов Латиф — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Альмеев Роберт Валиевич — Бухоро давлат музей-қўриқхонаси директори

Аҳмедов Жалол — «Ўзбекфильм» киностудияси овоз оператори

Жўраев Ҳайрулла Равшанович — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири

Медюлянов Виктор Леонидович — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги камер оркестри дирижёри

Мирбаратов Мирзашариф — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги Дони Зокиров номидаги халқ-чолғу оркестри созандаси

Муҳамедов Шавкат (Шавкат Мирзаев) — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси созандаси

Мягкова Нина Ивановна — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Одилов Асатулла Ҳакимович — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги хор жамоаси хонандаси

Серекеев Базарбай — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Сержанов Кенесбай Жумабаевич — Ж. Шомуротов номидаги Нукус давлат санъат билим юрти ўқитувчиси

Солиҳова Ҳанифа — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Тақташ Рафаил Хадиевич — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими

Турсунбоев Сотимбой — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти профессори

Тюриков Владимир Иванович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Шевченко Вячеслав Петрович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Шодиев Наримон Исмоилович — «Ўзбекфильм» киностудияси овоз оператори

Шодмонов Ғайрат Қосимович — «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси кинорежиссёри

Ғаффорова Замира — «Лазги» ансамбли раққосаси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдушукурова Гулнора Аҳмедовна — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги бош мутахассиси

Аҳмедов Рафиқ Махсудович — Қўқон шаҳар 1-Маданият уйи раҳбари

Бобоева Кубаро — Бухоро вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, кулол

Видонова Валентина Алексеевна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри либос тикувчиси

Ёқубова Ойхон — Тошкент шаҳар «Гавҳар» фольклор-этнографик ансамбли раҳбари

Жадигерова Гаухар — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли раққосаси

Ирисхўжаева Соҳиба Ҳолматовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

Исмоилов Менғқобил — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани «Чанқовуз» фольклор-этнографик ансамбли лапарчиси

Кенжаев Анвар — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Ли Галина Григорьевна — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти катта ўқитувчиси, рассом

Мирзаева Малика — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Мисин Борис Иванович — Тошкент давлат оперетта театри актёри

Отаев Раҳимжон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби

Раупов Сирожиддин Пўлатович — «Инсон ва қонун» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Рашидов Шуҳрат Комилович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси масъул котиби, кулол

Раҳимова Гулчеҳра — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Сатторов Азамат Нашпандович — Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри бош режиссёри

Сафаров Бекмурод Юсупович — Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Маданият уйи бадиий раҳбари

Тимирова Ўлмасхон — «Ўзбекфильм» киностудияси фильм монтажчиси

Тожибоев Мансур — Наманган вилояти Чуст шаҳар маданият ва истироҳат боғи ходими

Турдимов Шомирза Ғаниевич — «Соғлом авлод учун» журнали бўлим муҳаррири

Турсуналиев Комил — Ўзбеккистон Давлат амалий санъат музейи илмий ходими

**Шоҳимардонова Шоҳида Алиевна

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

БУ КЎПРИК ОЛАМНИНГ ЎЗИГА ЎХШАР

ЖАЗО ТОПҚУСИДИР...

Бировга ёмон сўз айтсам мен агар,
Тушунардим унинг жавоби қайтса.
Чидардим ўзимга сочишса заҳар,
Гинаси бўлса гар юзимга айтса.

Кимдир ватанингга тош отса бироқ,
Бегуноҳ бандалар бағрин қилса қон,
Шарҳлаб беролмайман бу ҳолни
мутлоқ,
Буни тушунмайман асло, ҳеч қачон.

Сенга шеърим ёқмас,
кимимдир ёқмас,
Айт, не гуноҳи бор бутун бир халқнинг?
Билиб қўй, бу дарё тескари оқмас,
Сенга жазоси бор яратган Ҳақнинг!

ШОИР ЮРАҒИ

Ўтар бу кўприкдан жамики жонзот,
Чумолидан тортиб филлар ҳам ўтар.
Султонлар ўтади гоҳ шод, гоҳ ношод,
Занжирларин судраб қуллар ҳам ўтар.

Элчиларга ўхшаб турфа замондан,
Шалоқ аравалар, "мерс"лар ўтади,
Рўбарў келишиб, икки томондан,
Бир-бирига тамом терслар ўтади.

Суйишганлар ўтар, суяб бир-бирин,
Бузувчилар ўтар, ўтар усталар.
Ҳушёрлар ўтади тежаб кўз қирин,
Ўтади эмаклаб пиёнисталар.

Ўтиб бораётир ана жуфт гурух,
Бири шўх, бировин кўзларида нам.
Етаклаб бормоқда бирини шукух,
Бошқа бировини етаклаган ғам.

Олифталар ўтар — ғариб сийрати,
Ботирлар ўтади — қалбида ўтлар.
Бешиклар ўтади — дунё зийнати,
Ўтади лапанглаб, вазмин тобутлар.

Муттасил бу йўлда келади тўқнаш,
Нур билан зулумот, ўлим ва ҳаёт.
Бу кўприк оламнинг ўзига ўхшаш,
Бир фарқи — соҳиби ихтиёрсиз зот.

Кўприк остидаги жўш урган дарё,
Сув эмас — ўтганлар тахир кўз ёши.
Ҳар нени кўтаргай бир ўзи танҳо,
Бор на таъмирчиси, на бир юкдоши.

Бу кўприк, бу кўприк қуласа агар,
Не ҳислар қоларди сарсон-саргардон.
Гарчи қисматида бор қанча хатар,
Ҳар нечук барига у балогардон...

МЕН ФАҚАТ...

Мен фақат Сен учун яшадим десам,
Бироз лоф бўларди ва бироз ёлғон.
Гоҳи босганида тўфон каби ғам,
Кўзимга кўрингай ўзимдаги жон.

Сенсиз ҳам яшадим десам мен агар,
Десамки, сенсиз ҳам танамда бор жон.
Ишонгил, бу гапим баридан баттар,
Ёлғон бўлар эди, тамоман ёлғон.

* * *

Меъмор умр бўйи ҳафсала ила
Гўзал бир иморат айлади бунёд.
Бироқ ногаҳонда машъум зилзила
Вайрон қилди уни, қилди-ку барбод.

Худди шу сингари, қургаймиз биз ҳам
Умр деб аталмиш гўзал бинони.
Бироқ етиб келар машъум сўнгги дам,
Вайрон этар уни ажал тўфони.

* * *

Стадион гувлайди,
Одам лиқ тўла.
Бу ерда жам бўлмиш турфа тил, овоз.
Уларнинг барчасин қучиб бир йўла,
Дўстим деб атамоқ ғалати бир оз.

Стадион гувлайди,
Одам лиқ тўла.
Фақат Ҳаққа аён улар сийрати.
Уларнинг барчасин сўкиб бир йўла,
Ғаним демоқлик ҳам анча ғалати.

ИСТЕЪДОДЛАР ВАТАН АРДОҒИДА

Мухбиримизнинг Абдулла ОРИПОВ билан суҳбати

МУХБИР: — ***Халқимизнинг улуғ байрами — Мустақиллигимиз куни янги шеърларингизни муштарийларимизга тақдим қилаётганингиз учун ташаккур. Бу шеъриятингиз мухлисларига ажойиб туҳфа бўлди...***

А.ОРИПОВ: — Ўзингизга аён, йилдан-йилга бу қутлуғ байрамнинг қадри, аҳамияти ортиб бораётир. Озодлик туйғуси, Президентимиз даъватлари халқимиз қалбидан, руҳидан теран жой олмоқда. Байрам арафасида юртимизда ободончилик ишлари авж олди, одамларнинг юзи, кўзидаги севинчдан кўнгил тоғдай ўсади. Муҳташам иншоотлар, улкан кўприклар, янги академик лицей ва коллежларнинг замонавий бинолари, қўшма корхоналар дейсизми, айтиб адоғига етиш қийин. Байрам арафасида Тошкент — Андижон йўлининг баланд тоғ довонларидан ўтувчи қисмидаги Қамчиқ ва Резак туннелларининг фойдаланишга топширилгани аср микёсидаги катта воқеа бўлди. Булар барчаси озодликнинг порлоқ йўлидан дадил бораётган мамлакат, бунёдкор меҳнати билан тинч ва осойишта яшаётган халқ улуғ ишларга қодирлигидан далолатдир. Буни бутун жаҳон кўриб турибди.

Бироқ сарҳадларимизда юз бериб турган нотинчлик барчамизни ўйлатмоқда, бундан халқимиз таҳликага тушган эмас, тушмайди ҳам. Ўзингиз ўйланг, дунёда кўп нарсаларни кечириш мумкин. Бироқ куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида Президентимиз таъкидлагани сингари одамлар тинчлигини бузаётган халқаро террорчилар, босқинчи тўдалар ва уларнинг ноғарасига ўйнаб, кindик қони томган тупроғига хиёнат қилган кимсаларга шафқат бўлиши мумкин эмас. Юртимизга кўз олайтирган олчоқларнинг ифлос мурдаларидан бугун ҳатто қурт-қумурсқалар ҳам ҳазар қилади.

Сурхон тоғларида ҳали гўшангага кирмаган не-не азамат ўғлонларимиз мардона ҳалок бўлишди. Яхши кунларимизни кўра олмаган бир тўда олчоқлар касофатидан биз мард, фидойи ватандошларимиздан айрилдик. Бироқ кўнглимиз чўкса ҳам руҳимиз чўкмади. Аксинча, бутун миллат бир жону бир тан бўлиб, курашга чоғландик. Халқ оёққа қалқдими бас, уни тўхтатиб қоладиган ҳеч қандай куч йўқ. Улуғ адибимиз Чўлпон бекорга "Халқ денгиздир, халқ кучдир", демаган ахир!

Бугун бутун миллатимиз, ватандошларимиз қаторида ижод аҳли ҳам халқимизнинг мард Юртбошиси атрофида маҳкам жипслашиб, эл-юртимизни эзгу мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлишга даъват этади. Биз ҳар қандайлоқайдликни ҳар қандай маънавий масъулиятсизликни кечирилмас гуноҳ деб ҳисоблаймиз. Барқарор тинчлик, осойишталик йўлида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатларда камарбастамиз.

МУХБИР: — ***Байрам арафасида адабиёт ва санъатимиз, маданиятмиз намояндаларининг катта бир гуруҳи юксак унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар...***

А.ОРИПОВ: — Дарҳақиқат, бу юксак унвонлар Президентимизнинг, Ватанимизнинг истеъдод намояндаларига чинакам ғамхўрлиги, эътиборининг рамзидир. Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари устоз адибларимиз, кўплаб марҳум санъаткорларимиз номи яна бир бор улуғ эҳтиромга чулғандилар. Президентимизнинг "Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган адабиёт ва санъат усталарини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонини ўқиб, тўғриси кўзларимга ёш келди. Ахир, қанчадан-қанча авлодлар Ғафур Ғулом шеърлари, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор насрини ўқиб, халқининг буюклигини англаб етдилар. Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Муҳиддин Қориёқубов, Юнус Ражабий, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзовларнинг ўлмас қўшиқлари миллий мусиқамизнинг ноёб дурдоналари эканини қайта ҳис этдик. Аброр Ҳидоятовдек буюк актёр истеъдоди, Ботир Зокировнинг бетакрор овози орқали ўзбек миллий санъати жаҳоний микёс касб этди.

Ҳа, буюк миллатгина ўзининг буюк фарзандларини эъзозлашга, улар билан фахрланишга, фидоий истеъдодларнинг ўлмас хизматларини муносиб тақдирлашга қодирдир. Мен ушбу тарихий эътирофда халқимиз қалбидаги буюк эъзознинг ёрқин ифодасини кўрдим.

Истеъдодларимизнинг Ватан ардоғида эканлиги кўнгилга фахр-ифтихор бахш этади. "Ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофотини таъсис этиш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча эълон қилинган қарори ҳам шундай ғамхўрликнинг ёрқин тимсоли бўлди. Ниҳолларимиз камол топажак.

Менингча, бу қарорнинг иккита муҳим жиҳати бор: биринчиси, ардоқлаб, эъзозлаб қамол топтирилиши зарур бўлган истеъдодли ёшларимизнинг истиқболи учун катта ғамхўрлик кўрсатилса, иккинчидан шу йўсинда, миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатимизни одамларнинг маънавий камолотига хизмат қилмайдиган турли шовқин-суронли саёз асарлардан муҳофаза қиламиз.

МУХБИР: — ***Соғиниб кутганимиз, не-не авлод-аждодларга армон бўлган Истиқлол қадрини шарафлаб кўп шеърлар яратгансиз. Бу қутлуғ мавзу ижодингизнинг гултожи бўлиб қолади, десак янглишмаймиз...***

А.ОРИПОВ: — Аввалом бор, шу қутлуғ мавзуни куйлаш менга ҳам насиб қилганидан бахтлиман. Болаларимизга мана шу мавзулар ҳақидаги асарларимиз муносиб мерос бўлиб қола олса қани эди.

МУХБИР: — ***Абдулла ака! Муштарийларимиздан шеър қадри, шеъриятимиз савиясига қайғуриб ёзилган мактублар келиб турибди. Уларнинг айримларини газетамизнинг ўтган сонларида эълон ҳам қилдик. Қутлуғ мавзуларни, хусусан, Ватан, Истиқлол сингари қадриятларни қаламга олганини даъво қиладиган айрим ҳаваскорлар ўзларининг бўш машқларини турли йўллар билан газетада чиқаришга уринишади. Бу масалада сизнинг фикрингиз биз учун жуда зарур.***

А.ОРИПОВ: — Ким қайси мавзуда ижод қилса, ихтиёри. Мустақиллик, Ватан мавзуларига ҳам кимдир яхши ният билан мурожаат қилиб, шеърми, ҳикоями ёзар экан, ундайларни инсоний маънода табриклаш, қутлаш керак. Бироқ бадиий асарнинг ўз талаблари, мезонлари борки, уларни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бўш-баёв назмбозликнинг йўлини тўсишда, аввламбор, таҳририятлар ҳамда адабий жамоатчиликнинг масъулияти яна ҳам кучайиши шарт.

МУХБИР: — ***Китобларингиздан бирини "Ишонч кўприклари" деб номлагансиз. Шеъриятнинг ўзи, аслида, замонлар ва халқларни бир-бирига боғлаб турадиган олтин кўприк. Бу борада Сизнинг шеъриятингиз Ватан ва миллий қадриятларнинг замондошлар қалбида юксалишида жуда улкан хизмат кўрсатиб келаётир. Таъбир жоиз бўлса, Сиз ўз қаламингиз билан ўзбек дунёсини бошқа халқлар дунёси ва замонлар билан боғладингиз. Шеъриятингиз мухлислари Сизнинг ижодий режаларингиз билан қизиқишлари табиий...***

А.ОРИПОВ: — Мен, асосан, шоирлик билан машғулман. Каттами, кичикми, ҳар бир шеърим мана шу улкан дунёга муносабатимни белгилайди, деб ҳисоблайман. Демак, шеър ёзишда давом этаман. Босиб ўтаётган йўлларимиз ҳақида кўламли асар яратсам дейман.

Ёш улғайган сайин болалик йилларимни, умр йўлларимни бот-бот эслайман. Кўрганкечирганларимни қоғозга туширишнинг пайти келаётир шекилли.

Умуман, ижодкорлар ҳаётда аллақандай воқеалар юз беришини пойлаб ўтирмасдан, ҳар бир куннинг долзарблигини англаб, унга ўз муносабатларини билдиришга руҳан тайёр бўлишлари шарт.

Ўз навбатида адабиёт газетамизнинг барча ўқувчиларини Мустақиллик байрами билан чин дилдан қутлайман. Элимиз тинч ва осойишта, юртимиз обод ва фаровон бўлсин. Барчамизни Яратганнинг ўзи қўлласин!

Суҳбатдош: Мурод АБДУЛЛАЕВ

ДИЛИНИ ШАРҲ АЙЛАГАН БУЛБУЛ

1958 йил.

Санъат институтига кириш учун Тошкентга келганман. Кечиккан эканман (санъат ўқув юртларига қабул илгарироқ бошланаркан), кимё билан математикадан имтиҳон олмайдиган биронта «осонроқ» даргоҳни қидириб юрибман. Бир пайт Шайхонтаҳурдан ўтаётиб, эълонни кўриб қолдим: эстрада концерти. Қани, эстрадаси қанақа бўларкан, деб чипта олдим.

Дастлаб кирганимга пушаймонлар едим. Қишлоқда дала, пода, трактордан бошқа нарсани кўрмаган ўспиринга саҳнани эгаллаб олган саккизта европача сурнай (труба-да!) товуши ёқармиди!..

Лекин бир пайт...

Бир пайт саҳнага қорачадан келган, тим қора сочлари орқага силлиқ таралган ёш йигит чиқди. Ботир Зокировнинг номини эшитгандигу ўзини кўрганимиз йўқ эди. Ҳа-а... Ўзимиз қаторигина экан. Жуссасиям, кўринишиям, рангиям. Қопқора. Овозки... қанақалигини айтолмайман, эҳтимол, сурнайларнинг товушини ўчирмоқчи бўлган... сукунат овозидир?..

Бирпасда файласуфликдан асар ҳам қолмади. Ўша овознинг қулига айландим. Ҳақиқатан ҳам, энди сурнайлар шовқини қулоқни батанг қилмас, фақат ўша овоз бор эди, ўша овоз. Уммон ҳам эҳтиётсизлик қилиб чангалига тушиб қолган ҳабаш болани ютиб юбормаган, аксинча, ўзи унинг хизматида — ёввойи тўлқинлари майин мавжларга айланиб, уни кафтда олиб юргандай авайлар эди. Тавба, «ҳабаш бола» қаҳри биланми, меҳри биланми, ишқилиб, нимаси биландир ёввойи уммонни хонаки қилиб олганга ўхшайди!

Хуллас...

Хуллас, Ботир Зокиров пайдо бўлиши билан манзара бутунлай ўзгарди. Юқорида айтганим: сукунат шовқиннинг овозини ўчирди! Бундай тиниқ, бундай майин, бундай ёқимли, бундай дилбар, бундай... дардчил овозни эшитмаган эдим! Энди кўзимга сурнайчилар кўринмай ҳам қолди. Уларнинг ўрнида бир манзара пайдо бўлдики, тасаввурга сиғдириш қийин! Тун. Ке-енг, ададсиз саҳро. Осмонда ой йўқ, юлдузлар бор, холос. Шунинг учун ҳам қоронғи. Майин, жуда майин шабада эсиб, қумларни секингина учириб турибди. Қумлар билан юмалаб учаётган нарсалар ҳам янтоқ эмас, гул. Битта-битта бўлиб ўсган. Шабада майин тебранади-да, ўрнидан кўчиб, бошқа томонга учади.

Суратда: Б.Қориева ва Б.Зокиров

Арабча қўшиқ эди бу.

Кейин...

Мен қандайдир кенгликларда, қандайдир мавжларда кўрдим ўзимни. Бу олам фақат менгагина мансуб эди. Бинобарин, зални тўлдириб ўтирган томошабиннинг ҳам ҳар бири ўзига мансуб оламни кашф этган эди.

Ботир Зокиров ҳадя этган эди бу оламларни...

Ботир Зокировни шу тариқа кашф этганман ҳамда бирданига суйиб қолиб, доимий мухлисига айланганман.

Ботир Зокиров ҳодисаси пайдо бўлганидан кейин бастакорлар, шоирлар унга жуда яхши қўшиқлар ёзиб бера бошлашди. Туроб Тўла, Султон Акбарий, Икром Акбаров у билан ҳамкорликни йўлга қўйишди. «Газли», «Раъно» сингари кўплаб қўшиқ бугунги кунда ҳам мухлислари дилида, шогирдлари тилида янграб турибди.

Бир миллат вакили бошқа миллат санъатини ўхшатиши қийин, аммо Ботир Зокиров «Эй, сорбон»ни куйлаганида саҳро машаққатларини тортардингиз, фарангча қўшиғида армонларни унутиб, дикир-дикир сакрардингиз, «Ҳабиба»сида учқур тулпорга ўтириб олиб, маъшуқани қувардингиз, «Моро бебус»да битта бўса сўраб қон йиғлардингиз...

«Моро бебус»да куй, қўшиқ тугаганидан сўнг яна бир бор алоҳида «Моро бебус!» деб алоҳида нола қиларди Ботир Зокиров. Бу нола ошиқнинг сўнгги нафаси эди...

Ботир Зокиров жуда тезлик билан ўсди. Умри қисқалиги, шу қисқа умрнинг ҳам талай қисмини дард билан олишиб ўтказганига қарамай, жуда кўп иш қилиб кетди. Ўзбек эстрадасига асос солиб, халқининг суюкли ҳофизига айланди, санъат, ижоднинг барча тури билан шуғулланди. Шуғулланганда ҳам...

Унинг расмлари ҳар қандай профессионал рассомникидан қолишмайди. У Сент-Экзюперининг «Бола пошшо»(«Кичик шаҳзода») қиссасини ўзбекчага ўгириб, миллионлаб радиотингловчиларга ҳадя этди. Бу асар радиомиз хазинасида бўлиши керак.

У шеърлар, ҳикоялардан ташқари, «Сўғд элининг қоплони» операси либреттасини ёзди.

Ҳайрон қолади киши: бир нозиккина, бунинг устига, дард билан олишиб яшаётган жуссада шунча ғайрат, шунча шижоат қаёқдан пайдо бўлди экан? Оллоҳ ҳам берганга бераркан-да...

Қўлимда унинг бир мактуби бор. Афсуски, менга эмас. Афсуски, мен Ботир Зокиров билан таниш эмас эдим. Мактуб дўсти, машҳур рассом Рўзи Чориев номига битилган. Мен Рўзи аканинг ижозати билан уни таржима қилиб, газетада чиқарганман. Ниҳоятда улкан меҳр, изтироблар билан битилган бу мактубда Ботир Зокировнинг яна бир, ниҳоятда инсоний қиёфаси намоён бўлади. Унинг дарди(юрак дарди) ҳам шу қадар мўллигига ҳайрон қоласиз. «Гапимга ишон, — дейди у бир ўринда, — бугунги тўқ, ҳаддан ташқари ҳисоб-китобли ва беғам замонда орзу билан яшайдиган, фидойи Мажнунлар у қадар кўп эмас». Мажнун Рўзи Чориевга нисбат берилиб айтилади.

Ўйлаб қолади киши. Машҳур артист бўлса, қаерга бормасин, давранинг тўрига чиқса, хуллас, эл-юрт ардоғида юрган одам мана шу ардоқ, шон-шуҳрат уммонида маза қилиб сузиб юраверса бўлмасмиди! Нима қиларди ҳамма нарсага жон қуйдириб, ҳамма нарсага бошини қотириб!

Бўлмас эди!

У «шому саҳар тиним билмай дилини шарҳ» айлаган булбул эди!

Анча йиллар бурун бастакор Икром Акбаров телевизор экранидан: «Ботир Зокиров вафот этганидан кейин қўшиқ ёзмай қўйдим...», деган эди. Бу гап менга битта шеър ато этган эди.

Қўшиқ ёзинг, устоз,
Кўп қўшиқ ёзинг!
Қўшиқсиз одамнинг ҳоли не кечар?!
Қўшиқсиз оламнинг ҳоли не кечар?!
Шундай ҳам эзғилик, ахир, бу ёзиқ,
Қўшиқсиз тириклик кафанин бичар!
Қўшиқ ёзинг, устоз,
Кўп қўшиқ ёзинг!

Уйғонсин десангиз янги тилаклар,
Улғайсин десангиз мурғак гўдаклар,
Чиниқсин десангиз заиф билаклар,
Юксалсин десангиз яна юраклар —
Қўшиқ ёзинг, устоз,
Кўп қўшиқ ёзинг!

Қўшиқ керак, ахир, таранг торларга,
Қўшиқ керак, ахир, гўзал ёрларга,
Қўшиқ керак, ахир, ғамгусорларга,
Қўшиқ керак инсон номи борларга,
Қўшиқ ёзинг устоз,
Кўп қўшиқ ёзинг!

Сўзингиз дилимни айлади вайрон,
Дилимни вайрону аклимни ҳайрон!
Сўзингиз кўп ёмон, устоз, кўп ёмон!
Қўшиқ тугаган кун тугар-ку замон!
Қўшиқ ёзинг, устоз,
Кўп қўшиқ ёзинг!

Сиз қўшиқни ҳамма жойдан топасиз,
Гулдан, ўйноқлаган сойдан топасиз,
Юлдузлар, тўлишган ойдан топасиз,
Аммо...
Барчасига тенг келар зотни —
Ботир Зокировни қайдан топасиз!
Қўшиқ ёзинг, устоз,
Кўп қўшиқ ёзинг!

...Ботир Зокиров орзусидаги бу кунларни кўрмади. Аммо миллионлаб мухлислари, халқи уни унутгани йўқ. Ҳар йили унинг номи билан боғлиқ танлов ўтказилиши, бу танловлар унинг кўплаб муносиб шогирдларини юзага чиқараётгани шундан далолат. Мустақиллик байрами арафасида у Президентимиз Фармонига асосан бир қанча атоқли марҳум санъаткорлар қаторида «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлангани ҳам шундан далолатдир. Бу орденни Ботир Зокировнинг миллионлаб мухлислари тақиб юради.

Мукофот барчамизга муборак бўлсин!

Машраб БОБОЕВ

БОШИМ КЎКЛАРГА ЕТДИ

«Қўшиқ — миллат қалби» деб бежиз айтилмаган. Чунки ҳар бир халқнинг орзу-ўйлари, юрак дардлари, ёрқин ниятлари, энг аввало, унинг қўшиқларида ифодаланади. Зеро, ҳар бир хонанда ўз халқининг овози, юз-кўзи, қалби бўлиб чиқади жаҳонга.

Жаҳон бугун ўзбек халқини унинг куй-қўшиқлари орқали ҳам таниётган экан, бу биринчи навбатда мустақиллик неъматидир. Фақат мустақиллик юртимизнинг ҳар бир хонанда-созандасига жаҳонга чиқиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Айниқса, мумтоз қўшиқлар ижрочиларига кўрсатилаётган ғамхўрлик бизни ниҳоятда мамнун этмоқда. Боз устига ёш хонанда-созандаларга кўрсатилаётган эътибор ҳам бундан кам эмас. Шу ўринда ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши ва берилиши фикримизнинг далилидир.

Шахсан ўзим ўзбек мумтоз қўшиқларидан иборат репертуарим билан жаҳоннинг Франция, Германия, Швейцария, Голландия каби мамлакатларида сафарда бўлганимда чет эллик санъат мухлисларининг юртимизга, унинг қадим санъатига, ўлмас қадриятларию бугунига қизиқишларини кўриб бошим кўкларга етди, қалбим ифтихор туйғуларига тўлиб-тошди. Тили бошқа бўлган халқларнинг ўзбек санъатига муҳаббати, ҳурмати мени лол қолдирди. Ҳар бир қўшиғимдан сўнг мухлислар қарсак чалар экан, мен ичимда биз санъаткорларга шундай кенг имкониятлар яратиб бераётган юртбошимизга, юртимиз одамларига раҳматлар айтардим. Бу каби олқишлар мени янада масъулият билан ишлашга, ўзбек санъатининг довруғини ёйишда тинимсиз изланишларга ундайди.

Муножот ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти

XX аср ўзбек адабиёти

Наим КАРИМОВ

БУГУНГИ КУНЛАР СУРУРИ

Устоз Ойбекнинг ажойиб таърифи бор: «Адабиёт — фикр оммаси, қалб ҳислари билан доимо сайқалланадиган, тўхташни билмайдиган, борган сари ҳамиша нурланиши, чақнаши ошиб борадиган бир соҳа».

Мен бу сўзларни мулоҳаза этар эканман, атоқли адиб, назаримда, ўз даври оша келажакка нигоҳ ташлаб, адабиётнинг турли сохта мафкуралардан холи бўлган ҳолда янги «фикрлар оммаси» ва «қалб ҳислари билан сайқалланиб» бориши ва «борган сари нурланиши»ни рўй-рост кўргандек бўлади.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ўзбек халқининг мустақилликка эришиши туфайли адабиётимиз тарихининг янги босқичи бошланди. Шоир ва носирларимиз бу босқичга коммунистик мафкуранинг «темир қонунлари»дан халос бўлган, ўз миллий тарихи, фалсафаси, тамаддуни билан нафас олган ҳолда миллий адабиёт намуналарини яратиш иштиёқи билан кириб келдилар. Шу ҳолатнинг ўзидаёқ, Ойбек айтмоқчи, адабиётнинг «борган сари ҳамиша нурланиши», «чақнаши ошиб борадиган» соҳа экани кундек аён бўлиб бормоқда.

XX аср халқимиз тарихининг бошқа даврларига қараганда ғоят шиддатли кечди. Биргина шу асрнинг ўзида адабиётимиз икки даврни бошидан кечириб, учинчи босқичнинг қандай чақнашлардан иборат бўлиши ҳақида бугунги кунда озмикўпми тасаввур бермоқда. Бу босқичнинг дастлабки тўққиз йилида гарчанд ҳали буюк асарлар яратилган бўлмаса-да, адабий тафаккурнинг бу босқичда қандай кечиши ва қандай камол топиши масаласи ойдин бўлиб турибди.

Мустақилликнинг тўққиз йиллиги нишонланаётган ушбу кунларда ижтимоий ва маданий ҳаётимизда қувонарли бир воқеа содир бўлди. XX аср адабиётининг уч забардаст арбобини «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаш ҳақида Фармон эълон қилинди.

90-йиллар арафасида плюрализм деган ҳодисанинг ўзбек тупроғига ҳам кириб келиши билан совет даврида ижод қилган талайгина адибларга калондимоғлик билан ёндашувчилар пайдо бўлган эди. Улар ҳатто Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор сингари улкан адибларнинг бой мероси устига ҳам чизиқ тортмоқчи бўлдилар. Ҳолбуки, XX аср ўзбек адабиёти эришган юксаклик учун биринчи навбатда шу адиблардан ҳам миннатдор бўлишимиз лозим. Агар шеъриятимизнинг фалсафий теранлик касб этиши ва шу маънода Шарқ мумтоз шеърияти анъаналарини муносиб давом эттириши Ғафур Ғулом номи билан чамбарчас боғлиқ бўлса, Алишер Навоий ва, умуман, темурийлар даври маданияти ҳамда тарихининг илмий ва бадиий таҳлили Ойбекнинг роману тадқиқотларида ўз ифодасини топди. Шунингдек, у «Қутлуғ қон» романи билан ҳам Абдулла Қодирий бошлаб берган романчиликни янги бадиий босқичга кўтарди. Кичик насрий жанрнинг катта имкониятлари эса Абдулла Қаҳҳор ижодида кашф этилди. Бу учала адиб ҳозирги ўзбек адабий тилининг гўзал бир қиёфа касб этишига ҳам бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Президент Ислом Каримов бу уч адибни юксак тақдирлаши билан адабиётимизнинг янги босқичида уларнинг энг яхши адабий анъаналари ва тажрибалари катта ижодий мактаб бўлиб хизмат этажагига ҳам ишора қилган, десам янглишмаган бўламан.

Адабиёт ўзининг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтаётган вақтда аввалги даврда эришган энг яхши ютуқларидан кўз юммаслиги, аксинча, уларни мустаҳкамлашга интилиши яхши самаралар беради. Шу жиҳатдан ёндашганда, совет даври адабиётини ҳаракатга келтирган аксар бадиий йўналиш ва кашфиётлар истиқлол даври адабиётининг ҳам «юраги»га қон бериб туриши зарур.

Адабиётнинг ҳар бир янги даври шеърият билан бошланади. Истиқлол даври адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, воқеликда эса бошлаган янги ҳаётбахш шабада аввало шоирлар созини тебратиб, янги даврнинг бадиий образини шеърий воситалар билан яратиш имконини беради. Бунинг устига, 60-йиллари Миртемир, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърияти, 80-йиллари Муҳаммад Али, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Миразиз Аъзам, Ҳалима Худойбердиева, Мирза Кенжабек шеърлари билан ўзбек адабиётига кириб келган янги руҳ, ҳуррият нафаси, эркин тафаккур парвози бугунги шеърий жарёнга ғоят яқиндир. Ушбу санодаги аксар шоирларнинг янги давр шеъриятини ўзларининг бадиий изланишлари билан бойитаётганлари бежиз эмас. Бугунги шеъриятимиз харитасига назар ташлаган киши шеъриятимизнинг фаол жуғрофий майдони кенгайиб борганини кўриш билан бирга, янги юлдузларнинг ҳам чақнаб бораётганидан ҳайратга тушади. Бугун Ойдин Ҳожиева билан Ҳалима Худойбердиеванинг ёнида Қутлибека Раҳимбоева билан Фарида Афрўздек ўзига хос нигоҳли, ўткир туйғули шоиралар, шунингдек, Сирожиддин Саййид, Эшқобил Шукур, Фахриёр, Иқбол Мирзо, Ғулом Мирзо янглиғ сержилва нозимлар бор бўлиб, улар қалб ҳислари билан тўхташни билмайдиган адабиётнинг «шеърий» қирғоғини обод қилмоқдалар. Бугунги шеъриятимиз камоли йўлида тер тўкаётган шоирлар орасида Нормурод Нарзуллаев, Муҳаммад Юсуф билан бирга Матназар Абдулҳаким каби нозимларнинг ҳам номини тилга олмаслик инсофдан эмас. Абдулла Орипов раҳбарлик қилаётган шеърий оркестр мустақиллик симфониясини маҳорат билан ижро этмоқда, десак, адолатдан бўлади.

Ҳар бир янги адабий даврнинг ўзига хос ҳусусияти бўлиши билан ажралади. Биринчи ҳусусият қаҳрамон характери билан боғлиқ. Бугун Кўкан ё Жонтемир ёхуд темирчи Жўранинг адабиётимиз қаҳрамони бўлиши мумкин эмас. Агар аҳён-аҳёнда эълон қилиниб турган очеркларни эътиборга олмасак, аксар йирик асарлар марказида тарихий шахслар туради ва бу асарларда тарихий мавзулар ўзининг бадиий инъикосини топган. Айниқса, бугунги романнависликни кўздан кечиришнинг ўзидаёқ истиқлол даври адабиётининг асосий қаҳрамони тарихий ўтмишимиздан ўз нурларини сочиб турган сиймолар экани аён бўлади. Амир Темур, Имом Бухорий, Термизий, Бобур, ҳатто Улуғбекнинг аввалги адабий босқичда адабиётимизнинг бош қаҳрамони даражасига эга бўлиши маҳол эди.

Бугун бу ва буларга ўхшаш тарихий шахслар тўғрисида асар ёзиш учун ноёб қўлёзмаларни ўрганиш, араб, форс ва эски ўзбек тилидаги манбалардан фойдалана олиш лозим. Бундай имконият шарқшунос олимлар ихтиёрида кўпроқ бўлгани учун улар йирик-йирик насрий асарларнинг муаллифи сифатида майдонга чиқмоқдалар. Бўривой Аҳмедов, Ғулом Карим сингари олимларнинг бадиий ижод билан шуғулланиши шунинг учун ҳам табиий бир ҳол ва бу жараён келажакда янада авж олиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Умуман, адабиёт ва санъат билан фақат шу соҳага ҳаётини бағишлаган кишиларгина машғул бўладилар, дейиш нотўғридир. Шифокор Антон Чеховнинг адабий тақдири бошқаларга ҳам ибрат бўлиши шубҳасиз. Самарқандлик Тоҳир Жулматов ҳам бу ҳамкасбидан рағбат олиб, ҳозирнинг ўзида бир неча романлар ёзди. Амир Темурнинг болалик ва ёшлик йилларига бағишланган «Навқирон бек», «Ал-Бухорий» романлари ва бошқа жанрлардаги асарлари тарихнавис ёзувчиларимиз сафига ҳали кўплаб ўзга соҳа вакилларининг кириб келишидан дарак бермоқда.

Мустақиллик даври адабиётининг бош қаҳрамонларидан бири сифатида тарихий шахсларнинг танланиши қонуний жараён. Амир Темур ва темурийлар даврида юз очган Уйғониш бугунги ҳаётий интилишларга руҳ ва йўналиш бермоқда. Бугунги авлод Амир Темур сингари, Имом Бухорий сингари, Мирзо Улуғбек ёхуд Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари аждодлари тўғрисида нурли тасаввурга эга бўлмай туриб, халқимиз танлаган миллий тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар билан бориши қийин. Бу авлоднинг давр ва адабиёт қаҳрамони даражасига эришиши кўп жиҳатдан буюк аждодларимиз ёқиб кетган юлдузлардан мадад олишига боғлиқ. Бу ҳол эса, ҳар бир давр адабиётининг муҳим фазилатларидан бўлган мавзулар оламида тарихий мавзуларнинг салмоқли ўрин эгаллашини тақозо этади.

Агар шу нуқтаи назардан бугунги адабий жараёнга назар ташлайдиган бўлсак, унда тарихий мавзунинг устиворлик қилаётганини сезиш қийин эмас. Модомики, шу кеча-кундузда тарихий жанр ёзувчиларимиз диққат-эътиборини тортаётган экан, бу соҳада эришилган бадиий ютуқлар қаторида Эркин Самандаровнинг «Тангри қудуғи» романини тилга олиш, яна шу муаллифнинг Жалолиддин Мангуберди ҳаётига бағишланган пиеса ва кинороманини ёдга олиш, тарихий жанр табиатини ўзлаштиришга интилаётган Асад Дилмурод, Ражаббой Отатурк сингари қалам соҳибларининг тажрибаларига эътиборни қаратиш жойиздир.

Тарихий жанр ёзувчидан тасвирланажак ҳаётий ҳақиқатни ҳужжатлар асосида ўрганишни, ҳужжатгоҳлар ва кутубхоналар чангини ютишнигина эмас, юксак бадиий тафаккурни ҳам талаб этади. Тарихий асарга қўл урган ижодкор Абдулла Қодирий, Ойбек сингари улуғлар билан баҳсга киришганини ҳис этиши лозим.

Аммо, барибир, адабий жараён марказида замонавий мавзулар, бугунги куннинг қаҳрамонлари тасвир этилган асарлар туради. Бугунги воқеликни бадиий таҳлил қилиш эса ғоят машаққатли иш. Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев каби атоқли ҳикоянависларимиз ижодида бугунги қаҳрамон, бугунги муаммолар, бугунги куннинг сурури ҳаққоний аксини топиб бормоқда. Лекин ҳаётий жараённинг барча мураккаб нуқталарини, кечаётган манфаатлар курашини, зиддиятлар мантиқини, ҳеч нарсага қарамай олға интилаётган ҳаёт ҳақиқатини тасвирлаш учун балзаклар, толстойлар, ойбеклар керак. Тоҳир Малик буни тушунган ҳолда бир неча китобдан иборат «Шайтанат» романини ёзди. У танлаган саргузашт жанри асарда тасвир этилган турмуш ҳақиқатини зиддиятли томонлари билан тасвирлаш имконини берган. Бугун адабиётимизнинг янада барқ уриши, ёш авлоднинг улуғ ишларга қамарбаста бўлиб улғайишига баракали таъсир кўрсатиши талаб этилмоқда.

Бугунги адабий жараён бозор иқтисодининг «темир қонун»лари билан ҳисоблашган ҳолда шаклланмоқда. Яхши асарнинг пайдо бўлиши қийин бўлганидек, унинг китобхонга етиб бориш жараёни ҳам мураккаблашган. Шундай шароитда истеъдодли кишиларни ижтимоий муҳофаза этиш, бақувват асарларнинг нашр этилиши, саҳна ва экран юзини кўришига ҳомийлик қилиш механизмларини ишлаб чиқиш адабиётимизнинг тақдири тўғрисида қайғуриш демакдир.

Истиқлол даври адабиётининг XXI аср бошларида равнақ топиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Жаҳон адабий жараёнининг узвий бир қисмига айланган адабиётимиз бугун адабий тур ва жанрларнинг барча кўринишига эга. Фалсафий шеъриятимиз, сиёсий публицистикамиз, замонавий романчилигимиз ҳам, ичакузди комедиямиз ҳам — ҳаммаси бор. Энди илғор халқларда бўлганидек, миллий ўзбек адабиётимизнинг юксак намуналари билан жаҳон микёсига чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз айни муддаодир.

Совет даври ўзбек адабиётининг пурвиқор чўққиларидан бири Абдулла Қаҳҳордир. У ўзининг ижодий изланишлари билан нафақат миллий ҳикоянависликни юксак бир босқичга олиб чиқди, айни пайтда, романчилик, драматургиянинг камол топишига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбеклар ҳаёт бўлган пайтда адабиётимиз улкан ижодий ғалабаларни қўлга киритиб, халқнинг туганмас мехрини қозонди. Аммо, шунга қарамай, Абдулла Қаҳҳор ҳайратомуз бир гапни айтган: «Ҳозирги адабиётимиз, — деган у, — нақадар яхши, нақадар катта бўлмасин, келажакда яратиладиган буюк ўзбек адабиётининг пойдевори, фақат пойдевори бўлиб қолади».

Мен XXI аср билан дийдорлашиш арафасида турган истиқлол даври адабиётига атоқли адибнинг ана шу сўзларини ёдда тутган ҳолда қарагим келади.

Тоҳир МАЛИК:

«КИТОБХОН КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИШГА ИНТИЛАМАН...»

— Тоҳир ака, мустақилликнинг тўққиз йиллиги байрами арафасида «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони билан тақдирландингиз. Унвон муборак бўлсин!

Шундай қувончли дамларда, албатта, мустақиллик ҳақида, мустақиллик ва адабий жараён ҳақида гаплашиш мароқли.

— Аввламбор, менинг камтарона ижодим юксак тақдирлангани учун халқимизга ва юртбошимизга миннатдорлик изҳор қиламан. Айни пайтда, менга берилган ушбу юксак унвон зиммамга юкланган улкан масъулият ҳамдир. Келажакдаги ҳаётим ва фаолиятимни ана шу масъулиятни оқлашга бағишлайман.

Адабий жараён ҳақида гапирадиган бўлсак, ўтган тўққиз йил — адабиётга катта имкониятлар берилган йиллар бўлди.

Мен истиқлолнинг дастлабки йилларида адабиёт ривожини бошқача тасаввур қилган эдим. Айниқса, тарихий мавзуда вулқонлар содир бўлса керак, деб кутган эдим. Мана, ҳозир одат бўлиб қолган, баҳона бўлиб қолган: «Аввалари фалон нарсани айтиб бўлмас эди, ёзиб бўлмас эди», деган гапларни кўп такрорлаймиз. Айниқса, тарихий мавзуда асар ёзиш 80-йилларда очиқдан-очиқ тақиқланган эди.

Лекин тарихий мавзудаги асарларимиз ҳали ҳам кўп эмас. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз тарихни ўрганишга жуда муштоқдир. Тарих фақатгина олимларнинг мақолалари билан эмас, кўпроқ бадиий асарлар орқали ўрганилади. Қайси халқнинг бадиий адабиётида тарихий мавзу салмоқли ўрин эгалласа, ўша халқнинг ўз тарихидан билими чуқурроқ бўлади.

Тарих ҳақида гап кетса, баъзан ёшларни танқид қиладиган бўлиб қолдик. Тарихни яхши билмайди, деймиз, ўтмиш билан фахрланмайди, деймиз. Ахир, қўлида яхши бир китоби бўлмаса, тарихни қаёқдан ўргансин?

Баъзи дўстларимиз китоб чиқариш қийин деб айтишади. Лекин Навоий замонида осон бўлганми? Биз кўпроқ баҳоналарга маҳлиё бўлиб қоляпмиз.

Мана, биз сиз билан энг улуғ, энг азиз байрам куни суҳбатлашиб ўтирибмиз. Албатта, байрамда қувонамиз, тантана қиламиз. Ана шу хурсандчилик пайтида дунёдан армон билан кетган минглаб аждодларимизни ҳам эслаб қўйишимиз керак.

Биз кўпроқ қатағон йиллари жабр кўрганларнигина эслаймиз. Аслида, мана шу Ўзбекистон тупроғида яшаб ўтган ҳар одамнинг юрагида ҳуррият армони бор эди, десак янглишмаймиз. Улар XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида авлодларимизга истиқлол неъмати насиб этади, деб ўйлашмаган бўлиши мумкин. Аммо умид қилганлар. Дуо қилганлар.

Мана шу байрам кунлари масъулиятимизни ҳам эслаб қўйишимиз керак. Худо бизга зеҳн берди, идрок берди. Биз шу неъматларни қандай ишлатаяпмиз? Бундан йигирма йилми, ўттиз йилми кейинги авлод: «Оталаримиз истиқлол учун қандай хизмат қилганлар?», деб савол беришса, ёруғ юз билан жавоб бера оламизми? Буни ҳам ўйлаб қўйишимиз керак.

— Газетамизда адабий йўналишлар, ифода усуллари ҳақида мунозаралар берилмоқда. Хусусан, «реализм» ва «модернизм» адабий йўналишлари борасида баҳс кетмоқда. Сизнинг ана шу мавзуга муносабатингиз қандай?

— Адабиётда ҳамиша турли йўналишлар мавжуд. Ҳеч қайси замонда ягона бир йўналиш турғун, ҳоким мавқега эга бўлмаган. Ҳозир ҳам турли йўналишлар бор. Бу табиий ҳол. Йўналишларни ҳаётнинг ўзи вақти келиб, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариб қўяди.

Масалан, ҳозир ўта мураккаб тарзда, тушунилиши қийин йўналишдаги асарлар ҳам, уларнинг ўзига яраша ўқувчилари ҳам бор. Ҳамонки, ўқувчилари бор экан, бу йўналиш яшашга ҳақли. Лекин кўпчилик бир ўқишда тушуниладиган асарлар тарафдори. Ҳозир одамларнинг қайта-қайта ўқишга вақти йўқ. Ҳозир, айтайлик, «Уруш ва тинчлик»ни ўқиб чиқадиган азамат кам топилади. Бу ерда биз савия пастлигини писанда қилмаслигимиз керак. Менинг кузатишимча, бу нарса одамларнинг вақти зиқлигига боғлиқ. Кўпчилик ўша асарларни ўқиб чиқиш ўрнига, кинони кўриб қўяқолиш афзал деб билади. Китобни ўқиб чиқиб, тушунишга бир ҳафта ёки бир ой кетса, кинога икки-уч соат кифоядир.

Ғафур Ғулом айтган эканлар: «Шеърингни деҳқон тушунмаса, нима қиласан ёзиб?» Албатта, адабиётни ҳаддан ташқари жўн қилиб юбориш тўғри эмас. Қандайдир бир ўрта ҳолатни топишга ҳаракат қилиш керак. Ҳар ҳолда, мен шунга интиламан.

— Сизнинг асарларингиз ҳам кино қилинган. Яхши кўрган қаҳрамонларингиз — яратган образларингиз суратга туширилган. Айтингчи, артистлар уларнинг ролини кўнгилдагидек ижро этишганми? Асарларингизнинг кино қилиниши сизни қониқтирадими?

— Колумбиялик машҳур адиб Габриэл Гарсиа Маркесдан шунақа деб сўрашганда у: мен кино учун эмас, ўқиш учун ёзганман, деган экан. Ҳолбуки, унинг асарларини дунёдаги энг зўр киночилар экранлаштирган. Бунга жуда катта маблағлар сарфланган, энг машҳур киноактёрлар жалб қилинган.

Ёзувчилар бундан норози бўлишса, киночилар ранжимасликлари керак. Чунки ёзувчи киночидан норози бўлмайди. Бироқ ҳеч қайси филм бадиий асарнинг ҳамма жиҳатини қамраб ололмайди барибир. Жуда кўп руҳий ҳолатлар, воқеалар, ёзувчига ақлли бўлиб туюлган гапларни кинога кўчириб бўлмайди. Кинонинг ўзига хос хусусиятлари бунга йўл бермайди. Ёзувчи ана шунақа жойларда армон қилади.

Кинорежиссёр, киноактёр, кинооператор, рассом — булар техник ходимлар эмас, фикрловчи ижодкорлардир. Асарни ҳеч қачон тўғридан-тўғри кўчирмайдилар. Ўйлайдилар, таҳлил қиладилар, талқин қиладилар. Ёзувчи китобхоннинг диди ва талабини қанчалик ўйласа, булар ҳам томошабиннинг шунчалик ўйлашади. Шунинг учун баъзи ўринларда киночилар билан фикримиз айри бўлса ҳам, улардан норози эмасман. Уларнинг талаблари, илтимослари, инжиқликларини тўғри тушунишга ҳаракат қиламан. Шу ўринда муроса жуда катта аҳамият касб этар экан. Бизни бир-биримиз билан ана шу муроса боғлаб турибди.

— «Адабиётнинг вазифаси нима?» деган саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Биров тарбия воситаси дейди, биров санъат дейди, биров кураш қуроли дейди, биров одамларни завқлантирувчи кўнгилхушлик дейди. Сизнингча, адабиётнинг вазифаси нима? Ёзувчининг-чи?

— Адабиётнинг вазифаси одамларни ҳаётни тўғри кўз билан кўришга ундаш, ҳаёт фалсафасини талқин қилиб, англаб етишга даъват қилишдир.

Кўчада тош ётган бўлса, баъзилар эътибор қилмай ўтиб кетади, баъзилар биров қоқилмасин деб уни четга олиб қўяди. Ёзувчи одамларга ўша тошни кўрсатиб қўйиб, уларни қоқилишдан эҳтиёт қилиши керак...

— Ёзган асарларингизда шеъриятга муҳаббатингиз бўлакча экани сезилади. «Йилт» этган учкунни пайқашингиз биланоқ, уни алангалатишни истайсиз — назарингизга тушган ёш қаламкашларни қўллаб-қувватлайсиз. Бунинг сабаби нимада? Назм билан наср ўртасида, менингча, жуда катта фарқ йўқ, бу фарқ жуда ҳам нисбий. Балки шунинг учун насрнавис бўлсангиз ҳам шеъриятни севарсиз?...

— Менинг бир дўстим бор эди. Жуда истеъдодли шоир эди. Асқар Қосимов. Биласизми, у жуда ёш кетди. Юрагимизни армонларга тўлдириб кетди. Мен шеъриятни болалигимдан яхши кўрардим. Шеъриятга бўлган ана шу муҳаббат Асқар билан менинг кўнглимни бирлаштирган эди. Биз ижодкор эдик. Сўз сеҳрига мафтун эдик... Асқарнинг бошига тушган кўргуликлар асло эсимдан чиқмайди. Асарларимда баъзи қаҳрамонларни, ижодкор ва зиёли инсонларни тасвирлаётганимда ана шу дўстимнинг ҳам қиёфаси кўз ўнгимга келади. Руҳий кечинмаларни ифодалаётганимда баъзан мунг ва армон қуюқлашиб кетади. Бу «йиғлоқилик» ичимда, руҳиятимда яшаётган шеъриятнинг қилмиши бўлса керак.

Назм билан наср илгари битта бўлган. Ота-боболаримиз, бахшиларимиз керакли жойда насрни, зарур ўринда назмни қўллаб достон айтавергандар. Бу оҳангдорликни оширади, ифодани кучайтиради.

Ҳозир баъзи ижодкорлар назмнинг қудратини сезмай қолаётганга ўхшайди. Шунинг учун ёрқин рамзлар, теран фалсафий фикрлар ўрнига ялғоч сатрларни, ҳиссиз ва совуқ гапларни шеър деб ёзиб ётишибди. Ҳозирги ёшларимиз шеъриятнинг тарихини, хусусан, арузни мукаммал ўрганишлари зарур...

— Тоҳир ака, йиллар ўтган сайин ижодкорнинг адабиётга қарашлари янгиланиб боради. Баъзан болаликда ўқилган китоблар кейинчалик жўн ва оддий туюлади. Мени сизнинг ўқиётган китобларингиз қизиқтиради. Ҳозир нимани ўқияпсиз?

— Ҳозир Жалолиддин Румийни ўқияпман. Толстой ва Достоевскийни ҳар доим ўқийман. «Сўна»ни яхши кўраман. Кейин Чарлз Диккенс, Стефан Цвейг...

Мен ёзганларимни тоғам-(машҳур адиб ва таржимон Мирзакалон Исмоилий — Р. М.)га кўрсатишдан қўрқардим... «Чорраҳада қолган одамлар» номли қиссам журналда чоп этилганида тоғамнинг ўзи мени йўқладилар. Қисса билан самимий табрикладилар. Сўнг «Анна Каренина»ни ўқиганмисан», деб сўради. «Ҳа, ўқиганман. Чизиб ўқиганман», дедим. Таржиманинг менга маъқул келмаган, бироз ғализ туюлган жойларини қалам билан чизиб, белгилаб қўйгандим. «Ўша китобни бу ёққа олиб кел, қани», деди тоғам. Мен олиб келдим. У киши китобни варақлаб кўриб: «Тўғри чизибсан», деди.

«Анна Каренина»ни тоғамнинг ўзи таржима қилган эди-да...

«Ўқиган бўлсанг, яхши, — деди тоғам, — бироқ яна бир ўқи...»

Мен яна ўқидим. Сўнг «Чорраҳада қолган одамлар» номли қиссамдаги камчиликларни англаб қолдим. Асарнинг сюжети, композицияси, бадиий тасвир воситалари устида қаттиқ ишладим. Шу қисса кейин китоб ҳолида чоп этилди. Энди у мутлақо бошқа асар бўлган эди. «Чорраҳада қолган одамлар»нинг журнал ва китоб нусхалари бир-биридан ер билан осмонча фарқ қилади.

Тоғамнинг менга қисса ҳақида нима демоқчилигини, ўқишнинг фойдасини, яхши ёзишни мумтоз асарлардан ўрганиш зарурлигини ана ўшанда билганман.

Ўзимиздан Абдулла Қодирий билан Чўлпонни ўқийман. Баъзан одамда шундай ҳолат бўлади. Ҳеч нарса ёзолмай қоласан. На фикр келади, на қалам юради. Ана шундай пайтларда «Ўткан кунлар»ни ўқийман. Мутолаадан сўнг ўзимни зарядланган аккумуляторгек ҳис қиламан. Мен бу китобдан ижодий қувват оламан...

Рустам МУСУРМОН
суҳбатлашди

ОЗОД ВАТАН ЖАМОЛИ

Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз яна ҳам кўркамлашди, кўплаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Суратларда: «Ўзкўргазмасавдо» биноси; Аҳмад Дониш кўчасидаги кўприк.

Содиқ МАҲКАМОВ суратга олган

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси жамоаси ёзувчи Ғаффор Ҳотамовга отаси **БОЗОРБОЙ ота** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Республикада хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмовга волидаи муҳтарамаси **Насиба ая САМАРИДДИНОВА** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI
2000 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт, наср ва назм бўлимлари: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди — 20.00.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 279. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

Тиражи—6288.